

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давлат статистика қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари

Б.Мирусманов

2017 йил “10” май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Макроиктисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари комплекси бўйича коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича 2017 йил 4 майда тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан

Давлат статистика қўмитасининг  
НАЗОРАТ РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
<b>I. Ҳуқуқий тарғибот ва маданиятни ошириш ҳамда мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари</b>				
1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шароит яратадиган қоида ва меъёрларни таҳлил қилиш ҳамда натижаси бўйича таклифлар (мавжуд бўлганда)ни Вазирлар Маҳкамасига ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика комиссиясига тақдим этиб бориш.	Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш	Доимий	Н.Анваров, Е.Кияткина, Қўмита марказий аппарати бошқармалари
2.	Барча даражадаги статистика органларига жисмоний ва юридик шахслардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида кўриб чиқирилишини тизимли асосда ташкил этиш, тегишли чоралар кўрилишида сансалорлик ҳамда коррупцияни олдини олиш чораларини кўриш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини таҳлил қилиб, мурожаатда коррупция хавфи аниқланган тақдирда уларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатиш.	Мурожаатлар бўйича идоравий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	2017 йил III чорак	М.Норматов, К.Кан, Ш.Джанимов, А.Султонов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари



Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
3.	Давлат статистика органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгиловчи идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Тегишли идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2018 йил 1 апрель	А. Икрамов, Ш.Джанимов, Н.Анваров, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия
4.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарорининг мазмун моҳиятини тушунтириш бўйича конференциялар, семинарлар, тренинглар, учрашувлар ва “давра суҳбатлари” ўтказиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил IV чорак	Ш.Джанимов, Н.Анваров, худудий статистика бошқармалари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари
5.	Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-418-сон Қонуннинг талабларини, жумладан биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган тақдирда, маъмурий жавобгарликдан озод этиш тартибини ва қоидаларини аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ишларини олиб бориш.	Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига семинарлар, давра суҳбатлари, кўргазмали стендлар орқали тушунтириш чора-тадбирларини кўриш	2017-2018 йиллар давомида	А.Икрамов, Ш.Джанимов, Н.Анваров, Қўмита марказий аппарати бошқармалари, худудий бошқарма бошлиқлари



Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
<b>II. Кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, улар малакасини ошириш ҳамда ижро интизомини янада мустахкамлаш чора-тадбирлари</b>				
6.	Давлат статистика органларида ходимлар ротацияси тартибини ўрнатиш, уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини, шу жумладан тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Ходимлар ротацияси бўйича идоравий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2017 йил III чорак	А.Икрамов, Д.Мирбабаева, Ш.Джанимов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
7.	<p>Малака ошириш курсларига келган ёш мутахассисларни ва юқори раҳбарлик лавозимларга тавсия этилиб қайта тайёрлаш курсларига келган ходимларни ўқитиш жараёнида уларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида илғор хорижий тажрибалар юзасидан амалий ва назарий дарс соатларини ўтказиш:</p> <p>Малака ошириш курсларига келган ходимларга қуйидаги мавзуларда амалий ва назарий дарс соатларини ўтказиш:</p> <p>1) “Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ва миллий қонунчилик”;</p> <p>2) “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнини тартибга солиш”;</p> <p>3) “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш”.</p> <p>Курслар якуни бўйича ходимларнинг билим савиясини тест синовларидан ўтказиш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2017-2018 йй. давомида	А.Икрамов, А.Туляганов, Ш.Джанимов, О.Қутлиев
8.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тавсиялари асосида қуйидагиларни назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:	Тегишли идоравий ҳужжатларни ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, К.Кан,

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	<p>ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан илғор илмий-техник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш;</p> <p>одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларига қатъий риоя этиш.</p>			<p>Р.Сотиволдиев, Д.Мирбабаева, Ш.Джанимов, Н.Анваров, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари</p>
<p align="center"><b>III. Коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг омма ўртасида ёритиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар</b></p>				
9.	<p>Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қилган ҳолда қуйидаги мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш:</p> <p>“Давлат органларининг назорат текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш”;</p> <p>“Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида”;</p> <p>“Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш”;</p> <p>“Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик”.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2017-2018 йй. давомида	<p>А.Султанов, К.Кан, Ш.Джанимов, Н.Анваров, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари</p>
10.	<p>Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мурожаатларни қисқартириш мақсадида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини давлат статистика органларида тўлиқ ва самарали ижро этиш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил II чорак	<p>А.Икрамов, А.Султанов, К.Кан, Р.Сотиволдиев, Қўмита марказий аппарати бошқармалари, худудий статистика бошқармалари</p>



Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
11.	Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат статистика органларида ташкил этилган ишонч телефонлари самарадорлигини янада ошириш, шунингдек ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолига электрон он-лайн хизматлари тартибини, автоматлаштирилган хизматлар тизимини янада такомиллаштириш ишларини жорий этиш.	Идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар	2017 йил III чорак	М.Норматов, К.Кан, Ш.Джанимов, А.Султонов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
12.	Давлат статистика органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги самарадорлигини ошириш, шунингдек аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида соҳага оид янгиликлар, электрон шаклдаги статистик ҳисоботларни тўлдириш қоидалари, афзалликлари ва тақдим этиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил III чорак	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Ш.Джанимов, Н.Анваров, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари